

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

# Давлат ва хусусий секторда маъмурий қўллаб-қувватлаш


соҳаси бўйича

Малакалар

7-модул: Ишга оид учрашувлар ва тадбирлар

## Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



## **Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун [qualifications.pearson.com](http://qualifications.pearson.com) сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз [qualifications.pearson.com/contactus](http://qualifications.pearson.com/contactus) саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

## **Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида [qualification.pearson.com](http://qualification.pearson.com) сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96436 1

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

# Мундарижа

<b>Кириш</b>	<b>1</b>
<b>7-модул: Ишга оид учрашувлар ва тадбирлар</b>	<b>3</b>
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	13
Дарс режаси	33



# Кириш

Ушбу ресурс ўқув-услубий материали Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Давлат ва хусусий секторларида маъмурий қўллаб-қувватлаш соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нима ўрганилиши ва нима баҳоланиши кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур ресурс ўқув-услубий материали сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу ўқув-услубий материал сизга таълим бериш ва ўқитиш учун ғояларни, жумладан амалий тадбирларни, реал сценарийларни, иш берувчиларни мустақил ўқитишни тақдим этиш ва бошқаришга жалб этишни ҳамда тестларга тайёргарлик усулларини таклиф этади. Шунингдек, ўқув-услубий материал сизга спецификациянинг ўз ичига олган маълумотларни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатади ва сизни малакангиздан фойдаланишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур ўқув-услубий материал сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни тақдим этиш учун йўриқнома
- малакадаги модуллар устида ишлаш учун тавсия этилувчи ресурслар
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинган мавзулар, тадбирлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемаси
- модуллардаги маълумотни қандай тақдим этиш тўғрисидаги батафсил йўриқномани ўз ичига оладиган дарс режаси

Ушбу ресурс ўқув-услубий материалидаги маълумот малакалар учун материалларни яратиш билан боғлиқ бўлган ўқитувчилар томонидан тўпланган, шунинг учун улар ВТЕС малакаларининг янги ва жалб этадиган усулларини излашнинг муаммоларини тушунадилар.

Мазкур ўқув-услубий материалдаги ўқитиш бўйича қўлланма сизга малакани тақдим этишни режалаштиришдаги эътиборга олиниши лозим бўлган маълумотни беради. Унда қуйидагилар ҳақида маълумот берилган:

- малакангизнинг тузилмаси
- ўқувчиларингиз учун малакани қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва имконли ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

# 7-модул: Ишга оид учрашувлар ва тадбирлар

---

## Ўқув қўлланма

Ушбу модул тугаллангандан сўнг, ўқувчилар бизнес – учрашув ва тадбирларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва уларни ўтказишда қўллаб – қувватлаш кўникмаларига эга бўладилар.

### Модул билан танишиш

Мазкур модулнинг мақсади ўқувчиларни бизнес – тадбирлар ва учрашувлар концепцияси билан таништириш, шунингдек, мазкур соҳадаги кўникамаларини ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур қўлланма амалий модул бўлиб, унда ўқувчилардан тадбирларни режалаштириш, ўтказиш ва келгусида назорат қилиш кўникмаларини намоиш қилиш кутилади.

Ўқувчилар ҳоҳ у мактаб ёки коллеж, ёки ундан ташқарида бўлгани каби ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, учрашувлар ва тадбирлар тўғрисидаги ўз билимлари билан бўлишадилар.

Шунингдек, модулнинг мақсади турли тадбирларни кузатишни ва улар турли шаклларда ҳамда турли мақсадларни кўзлаб ўтказилаётганлигини тушунишни рағбатлантириш ҳисобланади. Ўқувчилар бизнес – тадбирлар тўғри бошқарилганида бизнесга фойда олиб келиши мумкинлигини, аммо бунда олдиндан режалаштириш, мониторинг ва улар яқунлангандан сўнг баҳолаш ўтказилиши кераклигини тушунишлари лозим.

Ўқувчилар ўз билимларини ва модулни тушунганликларини намоиш қилишлари учун бизнеснинг турли соҳаларидаги тадбирларни ўрганиш имкониятларига эга бўлишлари керак.

Модулни яқунлаш учун ўқувчилар интернет, журналлар ёки ахборотномалар, шунингдек китоблар каби тадқиқот материалларини баҳолашлари лозим.

Мазкур модулда ўқитишнинг қуйидаги турли услубларидан фойдаланиш мумкин:

- синфда ва кичик гуруҳларда брифинг ва тадбирлар режасининг аҳамияти, шунингдек, қандай қилиб муваффақиятли тадбир ўтказиш мумкинлиги тўғрисидаги муҳокамалар;
- муваффақиятли тадбирларни режалаштиришни қамраб олган яқка ёки гуруҳ тақдимотлари;
- бизнес – тадбирларни акс эттирувчи кейс-стадлар;
- бизнес-тадбирлар билан боғлиқ медиа ва журнал мақолалари;
- тадбирлар тўғрисидаги маъруза видеолари.

Гуруҳда ишлаш ўқитишнинг маъқул шакли ҳисобланади, бироқ ҳар бир ўқувчи баҳолаш учун етарли бўлган ўз далилларини тақдим қилишлари учун Сиз шароит яратишингиз лозим бўлади.

А ўқитиш мақсадларига эришиш учун ўқувчилар ҳар-хил турдаги бизнес-тадбирларни ва бизнес-тадбирлар брифингининг аҳамиятини тушунишлари муҳим. Ўқувчилардан улар иштирок этган ёки биладиган ҳар-хил турдаги бизнес-тадбирларни якка тартибда санаб ўтишларини сўранг, масалан, мактабда ёки коллежда, синфдан ташқари тадбирлар ёки ишдаги тадбирлар, сўнгра тадбирларнинг мақсадларини аниқланг ва буни синф билан бўлишинг.

Бу мавзу тўғрисида батафсил айтиб бериб, ўқувчиларга турли тадбирлар турли тадбирлар билан боғлиқ ўзларининг тажрибалари ва билимлари билан ўртоқлашишларини таклиф қилинг, шунингдек, уларнинг фикрича тадбирнинг муваффақиятига нима таъсир қилишини гапириб беришларини сўранг. Интернетда бизнес-тадбирларни акс эттирувчи кўплаб қисқа видеоклипларни топиш мумкин.

В ўқитиш мақсадларига эришиш учун ўқувчилар бизнес талабларидан келиб чиқиб, бизнес-тадбирга маъмурий қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг нақадар муҳимлигини тушунишлари ва синф бунга ўз мисолларини келтириб муҳокама қилишлари мумкин. Бунга, олдиндан режалаштириш ва талабчан инсонлар билан ишлаш ҳамда кундалик ҳаётдаги муаммолар билан ишлашни киритишимиз мумкин.

Тадбирларни режалаштириш ва ўтказиш масалаларини муҳокама қилиш учун жалб қилинган спикерлар маҳаллий ёки миллий компаниялардан таклиф этилишлари мумкин. Ўқувчилар ҳар бир маърузачи келгунича тадбирлар ва уларнинг нақадар муваффақиятли ташкиллаштирилганлиги мавзуси юзасидан саволларни тайёрлаш вазифаси қўйилиши мумкин. Бу, ўқувчилар ушбу фаолиятдан имкон даражасида фойда олишларини кафолатлаши керак.

С ўқитиш мақсадларига эришиш учун сиз ўқувчиларга тадбир тугаллангандан сўнг, кейинги ишларни амалга оширишга имкон беришингиз керак. Ўқувчилар тегишли тадбирларни амалга оширишлари керак, масалан, хонани йиғиштириш, зарурат юзасидан етказиб берувчиларнинг хизматларига ҳақ тўлаш, шунингдек, тадбир тугагач ахборотни тарқатиш.

Тадбир якунида ўқувчилар ўз муваффақиятларини баҳолашлари керак. Улар иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларини билишлари, нима муваффақиятли ўтганлигини аниқлашлари ва бундай тадбирларни келгусида такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишлари керак бўлади.

## Баҳолаш бўйича қўлланма

Ушбу модул бир қатор вазифаларни бажариш доирасида баҳолашни амалга оширади ва жамоадаги ишни ўз ичига олади. Жамоадаги иш профессионал таълим доирасида умумэътироф этилган ўқитиш қисми ҳисобланади, аммо бунда баҳолаш тўғрисидаги қарор қабул қилиш учун асос бўладиган ҳар бир ўқувчининг шахсий ҳиссасини эса сақлаш зарурдир.

Умумий гуруҳ баҳоси барча гуруҳ аҳзоларига қўйилиши керак эмас, аммо ҳар бир ўқувчининг шахсий ҳиссаси ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш мезонлари асосида баҳоланиши лозимдир. Ўқувчилар ушбу модулнинг муайян ўқитиш мақсадларини инобатга олган ҳолда, жамоавий ишга уларнинг шахсий ҳиссаси қандай баҳоланиши тўғрисида аниқ ахборотга эга бўлишлари лозим.

Барча ўқувчилар исботланиши мумкин бўлган далилларни мустақил равишда йиғишлари керак. Иш дафтари ва шахсий тадқиқотларни, шунингдек, баҳоловчилар/тенгдошлар кузатув натижалари қайдлари ва гувоҳларнинг аризалари билан мустаҳкамланаган, ўқувчининг жамоавий тадбирларда иштироки тўғрисидаги батафсил ахборотларни ўз ичига олган портфолио далилларнинг асосий манбалари бўлиши мумкин.

ВТЕС баҳоловчилари кузатув қайдларини тўлдиришлари мумкин, тақсимот бўйича ёки тўлиқсиз иш кунида ишловчи ўқувчиларнинг тенгдошлари эса, гувоҳнинг аризасини тўлдиришлари мумкин. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, кузатув қайдлари ўз ўзидан ўқувчиларнинг етарли далиллари манбалари бўлмайди: ўқувчи томонидан олинган жорий гувоҳликлар ҳам уларни тўлдириб бориши керак.

**Амалий баҳолашни ўтказиш муддатлари тўғрисида муҳим эслатма**

В ўқитиш мақсадига эришиш учун ўқувчиларга аудиториядан ташқарида/ўқитувчилар муҳитидан ташқарида режалаштирилган учрашув ёки тадбирда иштирок этиш учун вақт ажратилиши кераклиги, мазкур модулнинг амалий хусусиятини билдиради.

Ўқитувчилар, ўқувчилар ўз фаолиятини қандай олиб бораётганлигини; яъни, тадбир давомида қўллаб – қувватлашни амалга оширишлари, юзага келаётган саволлар ёки шикоятларни кўриб чиқишлари, ҳар қандай аудиовизуал ва бошқа қурилмалардан тадбирда фойдаланилаётганида уни сошлаётганда ёки мониторинг қилаётганида техник қобилиятларидан фойдаланишлари ва ўзига нисбатан ишонч мавжудлигини кузатиш йўли орқали уларнинг лаёқатини текшириш учун учрашув/тадбирда бўлишлари лозим.

Агар тадбирлар учун қўшимча вақт назарда тутилган бўлмаса, у оддий дарсларга режалаштирилиши мумкин, бироқ бундай ҳолатларда ўқитувчи иш графигида таклиф этилган дарс қисмини қисқартириши керак.

## Модулнинг бошланиши

Модулнинг бошланиши – бу мазкур модулни ўқитиш усулини тақдим этиш учун таянч нуқтаси ҳисобланади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

### 7-модул: Ишга оид учрашувлар ва тадбирлар

#### Кириш

Ўқувчиларни модул билан таништиришни гуруҳ муҳокамасида бошланг. Унинг давомида мазкур модулда ўқитиш мақсадларини ёритиш мумкин.

#### А ўқитиш мақсади – Берилган брифинг бўйича тадбирларга тайёргарлик ва самарали режалаштиришни намойиш этиш

- Улар иш тажрибасига эга бўлган турли ташкилотлар мисолларини тақдим этиш тўғрисидаги саволдан бошланг.
- Мазкур мисоллардан корхоналар ўтказадиган ва/ёки ташриф буюрадиган турли ва турли хил тадбирларни муҳокама қилишда фойдаланинг. Бу тадбирлар қандай ташкиллаштирилади? Улар муваффақиятли ўтдимми – нима сабабдан?
- Синфга қайтишдан олдин, ўқувчилардан тадбир тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашишлари, сўнгра уларнинг фикрича тадбир муваффақиятининг учта асосий омилини санаб ўтишлари учун кичик гуруҳларда ишлашларини сўранг.
- Нима сабабдан брифинглар муҳим? Ўқувчилар билан тадбир мавзусининг қисқача тавсифини муҳокама қилинг ва ўқувчилардан муайян тадбир учун қисқача тавсифни тайёрлашларини ва уни синфга тақдим этишларини сўранг.
- Ўқувчилардан тадбирни ташкиллаштиришда юзага келиши мумкин бўлган барча муаммоларни аниқлашни ва уни синфга маълум қилишни сўранг.
- Маҳаллий иш берувчи учун ўқув тадбирлари ёки маҳсулот тақдимоти, шунингдек муваффақиятли ишлаган ёки такомиллаштириш мумкин бўлган у иш жойида ўтказган турли тадбирлар муҳокамасини ташкиллаштиринг.
- Уларга киритилиши керак бўлган асосий элементларни аниқлаб, тадбирлар режасининг аҳамияти тўғрисида муҳокама ўтказинг.
- Гант диаграммалари, танқидий йўл таҳлили ва онлайн режалаштириш воситалари каби режалаштириш воситаларидан фойдаланишни муҳокама қилинг.

**7-модул: Ишга оид учрашувлар ва тадбирлар**

- Иштирокчиларнинг эҳтиёжлари ва алоҳида талабларини, хусусан, соғлиқни сақлаш, қўриқлаш ва хавфсизлик, шартномалар, манбалар ва материалларнинг ҳуқуқий ва ташкилий талабларни, шунингдек ҳар қандай зарур ўзгаришларни ўрганиш учун турли кейс-стадилардан фойдаланинг.
- Ўқувчилардан марказдаги ички тадбир учун хатарларни баҳолашларини сўранг ва тадбирни режалаштиришда ўринли бўлган, шу жумладан етказиб берувчилар ва ўқувчиларга тегишли бўлган барча турдаги суғурта ва шартнома/келишувларнинг аҳамиятини муҳокама қилинг.
- Ўқувчилардан тадбирни ўтказиш учун муайян жойни танлаш афзалликлари ва камчиликлари ҳамда жойни брон қилишнинг тартиби ёритилган маҳаллий тадбирларни ўтказиш қўлланмаси тўғрисида 10 дақиқалик тақдимот тайёрлашларини сўранг.
- Тадбирни ўтказиш давомида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолли муаммолар тўғрисида муҳокама юритиш.
- Тадбирни қандай қилиб нашр қилиш мумкин? Ўқувчиларни турли тадбирлар учун мос келувчи усуллар ва уларнинг қийматларини ўрганишларини сўранг.
- Ҳақиқий баённомаларнинг нусхаларидан фойдаланган ҳолда, режалаштириш бўйича йиғилишларда баённомалар тузишининг аҳамиятини муҳокама қилинг. Таклиф этилган спикердан ўз тажрибасини бўлишишини сўранг.

**В ўқитиш мақсади – Бизнес эҳтиёжларига мувофиқ бизнес тадбирга маъмурий ёрдам кўрсатишни билиш**

- Бизнес-тадбирлар учун маъмурий ёрдам кўрсатиш мавзуси билан таништириш.
- Тадбирга келганингизда нималар рўй бериши мумкинлигини, масалан, исмлар кўрсатилган бейджиклар, киришда, хавфсизлик хизматида рўйхатдан ўтиш карточкаларига зарурат юзага келиши, кўрсатмалар ва ҳоказолар, шу жумладан ҳар қандай қўшимча талаблар, масалан, Брайл тизими бўйича маълумот ёки овозли алоқа, шунингдек, қурилма ёки бошқа предметлар, масалан пальто ёки сумкаларни уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қаерда сақлаш мумкин.
- Ўқувчилар синфда қўриқлаш ва хавфсизлик масалаларини муҳокама қилишда иштирок этишлари мумкин, масалан фавқулодда эвакуация тартиби, хавфсизлик тартиби, шу жумладан шахсни тасдиқловчи гувоҳномаларни бериш, кириш ва чиқиш, шунингдек иштирокчилар ва ҳар қандай ҳужжатларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

### 7-модул: Ишга оид учрашувлар ва тадбирлар

- Тадбирларда овқатланишни ташкиллаштириш масалалари юзасидан ва газак ва овқатланиш билан боғлиқ саволларни, шу жумладан овқатланиш тури, овқатланишга нисабатан бўлган таъб ва талаблар, диний жиҳатлари, ушбу тадбир учун мос келиши ва ҳаражатларни кўриб чиқиш.
- Сизнингча, ташриф буюрганингизда сизни қандай кутиб олишади? Тадбирга ташриф буюриш талаблари бўйича муҳокама ўтказиш, масалан, исмлар кўрсатилган бейджикларнинг, рўйхатдан ўтиш карточкалари, хавфсизлик хизмати ходимларининг рўйхати, йўриқномалар ва ҳоказолар, шу жумладан ҳар қандай қўшимча талаблар, масалан Брайл тизими бўйича маълумот ёки овозли алоқа, шунингдек, қурилма ёки бошқа предметлар, масалан пальто ёки сумкаларни уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қаерда сақлаш мумкинлигининг зарурати.
- Ўқувчилардан ташриф буюрувчиларда қандай турдаги сўровлар бўлиши мумкинлигини кўриб чиқишларини сўранг. Ўқувчилар иштирокчиларда юзага келиши мумкин бўлган сўровларни ва режадан ташқари юз бериши мумкин бўлган ҳолатларни инобатга олишлари керак бўлади.

### С ўқитиш мақсади – Бизнес тадбирдан сўнг кейинги ишларни амалга оширишни билиш

- Ўқувчилар муваффақиятли тадбирларни тадқиқ қилиш имкониятига эга бўлишлари муҳим.
- Тадбирдан сўнг нима рўй беришини муҳокама қилинг, масалан, ташриф буюрувчиларга юборилиши керак бўлган ахборотлар ва ҳужжатлар, шу жумладан, тадбирни ўтказиш жойини тозалаш, фойдаланилган хизматларга ҳақ тўлаш ва тадбирдан сўнг ахборот ва ҳужжатларни тарқатиш.
- Ўқувчилардан улар тадбирнинг муваффақиятини қандай баҳолашларини ўйлаб кўришларини ва асосли тавиялар тақдим этишларини сўранг.

## ВТЕСнинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Мазкур модул қуйидаги модулларга таянган:

- 3-модул: Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш
- 6-модул: Лойиҳаларни маъмурий қўллаб-қувватлаш.

## Ресурсла га талаблар

### Китоблар

Армстронг, Д. ва бошқалар – *Спорт тадбирлари бўйича профессионал учун қўлланма: Муваффақиятли тадбирларнинг сирлари*, Harriman House Ltd (2016), 9780857195104

Доимий тадбирларни режалаштирувчи мутахассислар ва ташкилотчилар учун батафсил ресурс.

Капели, L – *Ёрдамчи ходимлар учун тадбирларни бошқариш*, Джон Уайли & Ўфиллар, 1-нашр (2013), 97811185591123

Тадбирларни бошқариш юзасидан босқичма-босқич қўлланма.

Конвей, DG – *Менеджернинг Ивент – Инжили: Ихтиёрий ёки жамоат тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш юзасидан тўлиқ қўлланма*, Робинсон, 3-нашр (2019 й.), 9781472143464.

Йирик миқийёсли тадбирларни бошқариш юзасидан қўлланма.

### Веб-сайтлар

<https://www.businessballs.com/communication-skills/meetings-how-to-plan-and-run-meetings/>

Ишга оид учрашувлар ва тадбирларни режалаштириш ҳамда ўтказиш юзасидан қисқача қўлланма.

*Pearson ҳар қандай ташқи интернет – сайтларнинг мазмунига жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ўқитувчилар учун ҳар бир веб – сайтни синфда фойдаланишдан аввал, URL – манзилнинг ҳамон аниқ, фаол ва ўринли эканига ишонч ҳосил қилиш учун улар кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Биз ўқитувчиларга фойдали веб – сайтларни танланган саҳифаларда сақлашни ва ўқувчиларга мактаб / коллежнинг ички интернет тармоғи орқали улардан фойдаланишга руҳсат беришларини маслаҳат берамиз.*



## Иш схемаси

<b>Модул</b>	7-модул: Ишга оид учрашувлар ва тадбирлар
<b>Ўқув соатлари</b>	60
<b>Дарслар сони</b>	30
<b>Дарсларнинг давомийлиги</b>	2 соат
<b>Бошқа модулларга ҳаволалар</b>	3-модул: Жамоани қўллаб-қувватлаш ва бошқариш 6-модул: Лойиҳаларни маъмурий қўллаб-қувватлаш

Ўқитиш учун калитлар			
<b>ЁМТ</b>	Ёзма мустақил топшириқ	<b>ММ</b>	Материални мустаҳкамлаш
<b>ТЭС</b>	Таклиф этилган спикер	<b>Т</b>	Ташриф
<b>МЎ</b>	Мустақил ўқитиш	<b>ИТ</b>	Иш тажрибаси

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	<b>А ўқитиш мақсади</b> Модулга кириш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Модул, ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш усулларини муҳокама қилиш учун спецификацияларни чиқариш. Фойдали ресурсларни тадбиқ этиш.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳларда машқлар:</b> Ўқувчилар улар дуч келган турли тадбирларга мисоллар тақдим этишади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Мазкур мисоллардан синф муҳокамаси учун асос сифатида фойдаланинг</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқитувчи тақдимоти (ТС). Форма шаблони (ФШ).

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш</li> </ul>	
2	<b>A1</b> Тадбирнинг қисқача баёнини тушуниш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Қандай бизнес-тадбирлар ўтказилади?</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Ўқувчилар ташриф буюрган ёки улар билладиган турли тадбирларни санаб ўтадилар. Буларга уларнинг мактаби ёки коллежида ўтган тадбирлар кириши керак.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Ўқувчилар таклифлар рўйхатини тақдим этадилар ва биргаликда уларнинг ички ёки ташқи эканлигини ҳамда ўз мақсадларини муҳокама қиладилар.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳларда машқлар:</b> Ўқувчилар яқин орада ташкилотлар томонидан жойларда ўтказилган тадбирларни ўрганадилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Мазкур мисоллардан синф муҳокамаси учун асос сифатида фойдаланинг.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқитувчи тақдимоти (ТС).
3	<b>A1</b> Тадбирнинг қисқача баёнини тушуниш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Онлайн ва жисмоний тадбирлар юзасидан саволлар.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқитувчи тақдимоти (ТС).

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Видеоконференция давомида қандай муаммолар юзага келиши мумкин?</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Расмий ва норасмий тадбирлар.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар расмий ва норасмий тадбирлар тўғрисида маълумотларни ёзиб оладилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	
4	<b>A1</b> Тадбирнинг қисқача баёнини тушуниш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Брифинг нима?</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Ўқувчилар брифингларнинг аҳамиятини муҳокама қиладилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Брифинг нега муҳим?</li> <li>• <b>Кичик гуруҳларда тақдимот:</b> Тадбир учун брифинг яратиш ва синфга тақдим этиш.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқитувчи тақдимоти (ТС).

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
5	A2 Тадбирни режалаштириш.		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Ҳар хил ҳодиса турларини санаб ўтиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Қандай муаммолар юзага келиши мумкин?</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Ўқувчилар камида иккита тадбирни ташкиллаштиришда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни санаб ўтадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқитувчи тақдимоти (ТС).
6	A2 Тадбирни режалаштириш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси. Таклиф этилган спикерга тайёргарлик кўриш.</li> <li>• <b>Гуруҳларда бажариладиган машқ:</b> Ўқувчилар иш жойида ўтказилиши мумкин бўлган турли тадбирларнинг хусусиятларини муҳокама қиладилар.</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Ўқувчилар тадбир учун брифинг лойиҳасини тузадилар ва уни бошқа жуфтликлар билан таққослайдилар.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Ўқувчилар ўтказилган тадбирлар ва фойдаланилган брифинглар юзасидан спикерга саволлар рўйхатини тайёрлайдилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Саволларни ва уларнинг яроқлилигини синфда муҳокама қилиш. Ўқитувчи ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлайди.</li> </ul>	
7	<b>A1</b> ва <b>A2</b> бизнес-учрашувлар ва тадбирларни режалаштиришга маҳаллий ташкилот томонидан фойдаланиладиган амалий ёндашувлар.	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Кириш қисми ва синфнинг таклиф этилган спикер билан танишуви.</li> <li>• <b>Таклиф этилган спикер:</b> Таклиф этилган спикер маълумот тақдим этади ва иш жойида уларнинг ташкилоти томонидан ўтказилган турли тадбирларни муҳокама қилади, масалан, ўқитиш тадбирлари ёки маҳсулот тақдимоти, жумладан, нима яхши ишлаган ёки такомиллаштирилишни талаб қилса. Меҳмонлар ўқувчиларга улар фойдаланган тадбир режасини кўрсатишлари мумкин.</li> <li>• <b>Гуруҳларда муҳокама (MP1):</b> Ўқувчилар иш жойида ва ундан ташқарида ўтказиладиган турли тадбирлар тўғрисида олдиндан тайёрланган саволларини берадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқувчилар қайдлар қиладилар.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p><b>MP1</b> олдиндан тайёрланган саволлар.</p> <p>Таклиф этилган спикер томонидан талаб қилинадиган ҳар қандай манбалар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
8	<b>A2</b> Тадбирни режалаштириш ва ўтказишда иштирок этувчи шахсларнинг роллари ва вазифалари		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Таклиф этилган спикер билан ўтган дарсни кўриб чиқиш. Ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Тадбирни ўтказиш бўйича жамоа бажариши керак бўлган роллар нималардан иборат?</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Ўқувчилар жамоа аъзолари ва уларнинг ролларини аниқлайдилар ва синфга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Тадбирни режалаштириш ва ўтказишда иштирок этаётган ҳар бир ходим учун лавозим йўриқномасини тузиш.</li> <li>• <b>Гуруҳларда муҳокама:</b> Ўқувчилар турли лавозим йўриқномаларини муҳокама қилиш мақсадида синфга қайтадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқитувчи тақдимоти (ТС).
9	<b>A2</b> Тадбирни режалаштириш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Тадбир режаси нима ва у нима учун зарур?</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Тадбир режасида мавжуд бўлиши керак асосий элементларни аниқлаш.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Тадбир режаси шаблонлари. Ўқитувчи тақдимоти (ТС).

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Тадбир режаси шаблонларини кўриб чиқиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Тадбирларни режалаштиришда қайси шаблон энг самарали ҳисобланади?</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	
10	<b>A2</b> Режалаштириш воситаларидан фойдаланиш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Режалаштириш воситаларидан фойдаланиш.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Гант диаграммасини яратиш ва танқидий йўл усули билан таҳлил қилиш.</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Онлайн режалаштириш воситаларини тадқиқ этиш</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Интернетдан фойдаланиш имконияти.</p> <p>Ўқитувчи тақдимоти (ТС).</p>
11	<b>A2</b> Тадбирни режалаштириш	Т ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ташриф:</b> Ўқувчилар тадбирга ташриф буюриш, рўйхатдан ўтиш ва бошқа муҳитда ўқишда тажрибага эга бўлиш учун ўқувчилар иш берувчи ёки бошқа жойдаги ташкилотдаги тадбирга ташриф буюрадилар.</li> </ul>	Давомат журнали.

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Тадбирга ташриф буюргач, ўқувчилар ўз фикрларини билдирадilar: нима муваффақиятли ўтди ва нимани яхшилаш мумкин?</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар уларнинг соҳаларида ўтадиган турли бизнес-тадбирлар тўғрисида билиб оладилар, ўқувчилар бизнес-тадбирларни режалаштириш соҳасида ўз билимларини чуқурлаштириш учун уларда иштирок этишга рухсат олишлари мумкин.</li> </ul>	
12	<b>A2</b> Тадбирни режалаштиришда инобатга олиниши керак бўлган тавсиялар	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> У ёки бу тадбирни режалаштириш билан боғлиқ бўлган тавсияларни ўрганиш мақсадида кейс-стади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Ўқитиш натижаларини муҳокама қилиш ва «агарда, шундай бўлса» сценарийсини ўрганиш.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Меҳмонларнинг эҳтиёжлари ва асосий талаблари.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Тадбирни ўтказишда турли хавфларни тадқиқ этиш.</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> «хатар» ва «хавф» тушунчалари ўртасидаги фарқ нимада?</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Кейс-стади.</p> <p>Ўқитувчи тақдимоти (ТС).</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Талаб этиладиган шартномалар, ресурслар ва материаллар, шу жумладан суғурта.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Тадбирни режалаштиришда тузилиши лозим бўлган суғурта ва шартнома/келишувларнинг турлари, шу жумладан етказиб берувчилар ва ўқувчиларга тегишли бўлганлари.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Ўқувчилар кўриб чиқилган тавсиялар юзасидан резюме ёзишади.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	
13	<b>A2</b> Тадбирларни ўтказишнинг маҳаллий жойлари ва «яшил экранлар»нинг жойлашув жойлари	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Бизнес-тадбирларни ўтказиш учун мазкур ҳудудда муносиб жойлар.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Бизнес-тадбирни ўтказиш юзасидан 10-дақиқалик тақдимот ва маҳаллий жойлар бўйича йўлбошловчи.</li> <li>• <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Виртуал тадбир учун «яшил экраннинг» онлайн жойлашувини ўрганиш.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Интернет-тадқиқот ва тадқиқот муассасалари.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
14	<b>A2</b> Тадбирни ўтказиш жойини брон қилишда тавиялар		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Тадбирда иштирокчиларни қандай ресурслар кутади?</li> <li>• <b>Гуруҳларда муҳокама:</b> Ўқувчилар иштирок этган тадбирлардаги қурилмалар ва техник жиҳозлар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Зарур манбалар тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шу жумладан, нима муҳим, нима хоҳишга кўра керак бўлади.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Ўқитувчи тақдимоти (ТС).</p>
15	<b>A3</b> Тадбир режасини тайёрлашнинг муҳимлиги		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Тадбирни ўтказишда жойларни брон қилиш.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Тадбирни ўтказишда жойларни брон қилиш учун турли тизимларни ўрганиш ва уларни брон қилиш учун дастурий таъминотдан фойдаланиш.</li> <li>• <b>Гуруҳларда муҳокама:</b> Қўшимча ҳаражатларнинг таъсири.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Интернетдан фойдаланиш имконияти.</p> <p>Тадбирни ўтказишда жойларни брон қилиш учун мутаносиб дастурий таъминот.</p> <p>Ўқитувчи тақдимоти (ТС).</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
16	А3 Курилма ва ресурслар		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Объектларга етказиб берилувчи қурилмаларнинг турлари. Тадбирни ўтказиш жойларини яратиш усуллари.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Тадбирни ўтказиш учун махсус жойга тақдим этилган қурилмани ўрганиш.</li> <li>• <b>Гуруҳларда муҳокама:</b> Ўқувчилар қурилма, унинг қиймати ва тадбирни ўтказиш жойини яратиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини синф билан бўлишадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқитувчи тақдимоти (ТС).
17	А3 Сафар ва яшаш жойини ташкиллаштириш	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Тадбирни ўтказиш учун зарур бўлган транспорт турлари.</li> <li>• <b>Мустақил тадқиқот учун машқ:</b> Тадбирни ўтказиш жойига ва ундан транспортировка, шунингдек, тўхташ жойи ва бошқа талаблар, ҳамда яшаш жойи зарурати. Ўқувчилар синфга ўз хулосаларини билдирадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	Модул спецификацияси. Доска ва ручкалар. Ўқитувчи тақдимоти (ТС).

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
18	A2 Хавфни баҳолаш	T	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ташриф:</b> Маҳаллий тадбирни ўтказиш жойида хавфни баҳолаш учун ўқувчиларнинг ташкилотга ташрифи.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Тадбирни ўтказиш жойида хавфни баҳолаш.</li> </ul>	<p>Ташриф учун тадбирни ўтказиш жойи.</p> <p>Модул спецификацияси.</p> <p>Хавфни баҳолаш бўйича форма шаблони.</p>
19	A2 Тадбир давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг оқибатларини енгиллаштириш учун кўриладиган чоралар		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи тақдироти (ТС):</b> Тадбир давомида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар.</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Маблағ йиғиш бўйича ҳайрия кечасини ўтказиш билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган саволлар.</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган машқлар:</b> Маҳаллий тадбир учун эҳтимолли муаммолар ва уларнинг ечимлари.</li> <li>• <b>Гуруҳларда муҳокама:</b> Ўқувчилар юзага келиши мумкин бўлган муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини синфга тақдим этишади.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Ўқитувчи тақдироти (ТС).</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
20	<b>A4</b> тадбир бўйича маълумотларни қайта ишлаш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Иштирокчилар тадбир тўғрисида қаердан билишади? Ўқувчилар ўйлаган барча усулларнинг рўйхатини тақдим этадилар.</li> <li>• <b>Жуфтликда бажариладиган амалий машқлар:</b> Тадбирни ёритиш тўғрисида тадқиқот.</li> <li>• <b>Гуруҳларда муҳокама:</b> Ўқувчилар тадбирни реклама қилиш усуллари, уларнинг яроқлилиги ва нархи тўғрисидаги фикрларини синф билан бўлишадилар.</li> <li>• <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Интернетдан фойдаланиш имконияти.</p>
21	<b>A4</b> Рекламани яратиш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> Одамларни тадбирга қандай қилиб чақиришнинг энг маъқул усули?</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Ўқувчилар уларнинг марказида ўтказиладиган ҳайрия тадбири учун электрон мактуб, таклифнома ва плакатнинг намунасини тайёрлайдилар.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Компьютердан фойдаланиш имконияти.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>● <b>Гуруҳларда муҳокама:</b> Ўқувчилар синф билан ўз таклифномаларини ва тадбир тўғрисидаги маълумотларни самарали реклама қилиш учун ресурсларни қандай яхшилаш мумкинлиги тўғрисидаги ўз фикрлари билан бўлишадилар.</li> <li>● <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	
22	<b>A5</b> Учрашув баённомаларини тарқатиш ва сақлаш		<ul style="list-style-type: none"> <li>● <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси.</li> <li>● <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Мажлис протоколлари нима?</li> <li>● <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Мажлис протоколлари нусхаларини ўрганиш.</li> <li>● <b>Гуруҳларда муҳокама:</b> Ўқувчилар ўз хулосалари асосида синфга ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.</li> <li>● <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Турли мажлисларнинг ҳақиқий протоколлари.</p> <p>Интернетдан фойдаланиш имконияти.</p> <p>Ўқитувчи тақдимоти (ТС).</p>
23	<b>A5</b> Қайдларни юритиш ва протоколни тарқатиш	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> <li>● <b>Кириш:</b> Ўтган дарсни кўриб чиқиш ва ўқувчилар материални тўғри тушунганлигини тасдиқлаш учун ўқувчилар билан савол ва жавоблар сессияси</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Таклиф этилган спикер томонидан талаб этиладиган ресурслар.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>● <b>Таклиф этилган спикер:</b> Клуб котиби ёки маъмурнинг ўзи, каби тажрибали маъмур билан учрашувни ташкиллаштириш, бунда у ўқувчиларга жараён ва талабларни, шу жумладан протоколлаштиришнинг барча усуллари тушунтиришга доимий равишда бир неча дақиқаларни ажратади.</li> <li>● <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Фаол тинглаш ва қайта ҳикоя қилиб беришни муҳокама қилиш учун учрашув.</li> <li>● <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> «Моделлаштирилган протоколлар» ни ўрганиш.</li> <li>● <b>Гуруҳларда муҳокама:</b> Натижаларни таққослаш.</li> <li>● <b>Ўқитувчи тақдимоти (ТС):</b> Протоколларни сақлаш усуллари.</li> <li>● <b>Мустақил бажариш учун машқ:</b> Протоколни кўриб чиқиш.</li> <li>● <b>Якуний сессия:</b> Ўқитишнинг асосий ҳолатларини тасдиқлаш.</li> <li>● <b>Баҳога тайёргарлик кўриш: А ўқитиш мақсади</b> – 1-баҳоловчи топшириқ а ва б қисмлари бўйича топшириқнинг тақсимоми.</li> </ul>	<p>Протокол учун зарур бўлган материаллар.</p> <p>«Моделлаштирилган протоколлар» нинг нусхаси.</p> <p>Ўқитувчи тақдимоти (ТС).</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>1-топшириқ.</p>

#	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
24	1-баҳоловчи топшириқ	Мў	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Баҳоловчи семинар:</b> Ўқувчилар баҳоловчи тадбирларда, шу жумладан қуйидагиларда иштирок этишади: <ul style="list-style-type: none"> <li>○ гуруҳ учрашувлари;</li> <li>○ мустақил режалаштириш ва тайёргарлик кўриш.</li> </ul> </li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Доска ва ручкалар.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари – 1 – Топшириқ.</p> <p>Флипчартлар ва ручкалар.</p> <p>Интернетдан фойдаланиш имконияти.</p>
